

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 214 (10.267)

2004 ЙИЛ 3 НОЯБРЬ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2 ноябрь кун Иқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Тадао Чинони қабул қилди.

— Ўзбекистонда Сизни фақат Осиё тараққиёт банкидек нуфузли молия муассасаси раҳбари сифатида эмас, балки мамлакатимиздаги ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган дўст сифатида ҳам яхши билишди, — деди Ислон Каримов.

Дарҳақиқат, ОТБ иқтисодий ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг яқин ва фаол ҳамкоридир. Банк ҳар уч йилда ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиб, ҳаётга изчил татбиқ этиб бормоқда.

Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликда транспорт ва шаҳар инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги, таълим, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш каби муҳим соҳалар асосий ўрин эгаллайди.

Т.Чинонинг юртимизга бу галги ташрифи чоғида 2008 йилгача Ўзбекистонга 150 миллион АҚШ доллари миқдорда янги кредит ажратиш борасида келишувга эришилди.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлиги кўп томонлама асосда ҳам ривожланмоқда. Банк раҳбарияти Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида бошқа халқаро молия муассасаларининг сай-ҳаракатларини мувофиқлаштириб боришга қарор қилган.

ОТБ «Марказий Осиё ҳамкорлиги»

ташкilotининг транспорт, сув-энергетика ва озиқ-овқат консорциумларини тузиш концепцияларига қизиқиш билан қарайди. Ташкilotининг октябр ойида Душанбеда ўтган саммитида бу консорциумларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Айни пайтда ОТБ минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликда бу қарорни ҳаётга жорий этиш масалаларини ўрганмоқда.

Ўзбекистон билан ОТБ ҳамда бошқа халқаро молия институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, иқтисодий ислохотлар дастурини амалга оширишга ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга яқиндан кўмаклашаётгани учун ОТБ президенти Тадао Чино Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Учрашувда Ислон Каримов меҳмонга ана шу юксак мукофотни топширди. Т.Чино бу юксак мукофот учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлигини янада кенгайтиришга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

ЎЗА

Қўрғазмалар



СПОРТ АНЖОМЛАРИМИЗ СИФАТИ ОШМОҚДА

Кеча пойтахтимизнинг «Ўзэкспомарказ» савдо-қўрғазмалар марказида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан маҳаллий саноатимизда ишлаб чиқарилган болалар спорт аанжомлари, жиҳозлари ва кийимларининг «Ўзбекистон спорт саноати — болаларга-2004» қўрғазмаси очилди.

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси

Барча маълумотлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши пленумида пойтахт Кенгаши депутатлигига номзодлар кўриб чиқилди.

• Дехқон аёллар ва фермер хўжаликлари минтақавий ассоциацияси ташаббуси билан Бухорода тадбиркорлар учун семинар ташкил этилди. Анжуман ишида АҚШнинг Халқаро Винрок институтининг мутахассислари ҳам иштирок этиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

• Тошкент вилояти Бўка тумани пахтакорлари қабул пунктларига 40 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топшириб давлатга пахта топшириши йиллик режасини бажардилар.

• Бўз туманида яшовчи Курбоновлар oilаси республика китобсаварлар кўрик-танловида энг китобхон oilа деб топилди.

• Олот туманидаги ташкilotлар маҳаллий ўқув муассасаларининг техник заҳирасини мустаҳкамлаш учун жами 34,2 миллион сўм миқдорда ҳомилийк ёрдамини кўрсатди.

• Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 16-мактабгача таълим муассасасида ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ёрдамида oilавий таълим бўйича ресурс маркази очилди.

Жаҳонда

• Украинада мамлакат президентлиги учун сайлов бўлиб ўтди. Ҳозирга қадар ҳисоблаб чиқилган бюллетенларга кўра мамлакатнинг амалдаги бош вазир Виктор Янукович 47,34 фоиз овозга эгалик қилмоқда.

• Кеча Америка Қўшма Штатлари халқи мамлакат Президентини, Сенат таркибининг учдан бир қисми ва 109-Конгресснинг барча вакиллар Палатасини, шунингдек, 11 та штатларнинг губернаторларини сайлади.

• Эрон парламенти мамлакат ядро дастури ишланмаларини давом эттиришга йўналтирилган қонун қабул қилди.

• Тель-Авивнинг марказий қисмида жойлашган «Кармел» бозорида террорчилик ҳаракати содир этилди. Шу муносабат билан Россия ташиқи ишлар вазирлиги халок бўлган ва жабрланганларнинг oilаларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

• Ироқда номатум кимсалар томонидан Саудия Арабистонининг пудрат ишлари билан шуғулланувчи САТКО компаниясининг қамдида 6 нафар ходими гаровга oilинди.

• Россияда ҳар иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 55 йиллигига бағишланган «Россия ва Хитой — буюк қўшнлар» номли қўрғазма очилди.

26

декабрь —

Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига ва
маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кун

Марказий
сайлов комиссия-
сининг Олий
Мажлис
Қонунчилик
палатаси
сайловига

тайёргарлик кўриш жараёни муҳокама-
масига бағишланган йиғилиши бўлди.
Уни Ўзбекистон Республикаси Марказий
сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев бошқарди.

Йиғилишда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудидаги Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотлари тингланди.

Мамлакатимизда сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганга қирқ кундан ошди. Бу орада жойларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга тайёргарлик борасида анча ишлар қилинди. Округ сайлов комиссиялари сайлов тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган ваколатлари доирасида фаолият юритмоқда. Шу кунларда барча сайлов округларида участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш ишлари давом этмоқда.

Таъкидланганидек, округлар сайлов комиссиялари учун кулай бинолардан хоналар ажратилди. Уларни мебеллар билан жиҳозлаш, транспорт, компьютер техникаси, aloқа воситалари, сайлов ашёлари

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Айрим ҳудудларда аввалги сайловларга, референдумга тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида кўзга ташланган телефонлаштириш билан боғлиқ муаммолар ҳам ижобий ҳал этилмоқда.

Хусусан, Жиззах вилоятининг муқим телефон aloқаси ўрнатиш мумкин бўлмаган ҳудудларидаги сайлов участкалари уяли телефонлар ва рақиялар билан таъминланган. Навоий вилоятининг чўл ҳудудидаги элликта сайлов участкасида эса радиотелефонлар ўрнатилган.

Шу билан бирга, айрим сайлов округларида сайловни моддий-техника жиҳатида таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ҳудудидаги сайлов участкалари компьютер, факс каби зарур техника воситалари билан жиҳозланмаган. Тошкент вилояти Чиноз туманида сайлов участкаларининг жиҳозланиш даражаси талабга жавоб бермайди. Самарқанд вилоятининг Ўргут туманида округ сайлов комиссияси авария ҳолатидаги бинога жойлаштирилган. Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудидаги баъзи сайлов участкалари сайловчиларга ноқулай жойларда ташкил этилган.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликда давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкilotлар, мансабдор шахслар, сайлов кампаниясига аралашмаган ҳолда, сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишлари учун ёрдам беришлари

шарт экани белгилаб қўйилган. Аммо, юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ҳамма жойда ҳам бу масалага талаб даражасида эътибор берилмапти. Йиғилишда мутасадди ташкilotлар раҳбарлари мавжуд камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Марказий сайлов комиссиясига фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга ошириши борасида юзага келаётган муайян муаммоларни ҳал этишда кўмак сўралган муурожаатлари, айрим округ сайлов комиссиялари фаолияти юзасидан тушган шикоятлари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Округ сайлов комиссиялари раисларига сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодлар, сайловчилар билан ишлашда қўнун талабларига қатъий амал қилиш шартлиги яна бир бор ўқтирилди. Оммавий ахборот воситалари вакилларига сайлов комиссияси фаолияти ҳақида мунтазам ахборот бериб бориш, уларни қабул қилинган қўнуний қарорлардан хабардор этиш ва унинг мазмун-моҳиятини шарҳлаб-тушунтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Сайлов комиссиялари аъзоларининг навбатчилигини ташкил этиш, сайловчилар рўйхатини тузишга киришиш, овоз бериш кабиналарини тайёрлаш, сайлов қутиларини тарқатиш бўйича йўл-йўриқлар берилди.

Фулон МИРЗО,
ЎЗА муҳри

4-5 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида «Сиёсий партиялар ва сайловлар: дунё таъриби ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда иштирок этиш учун мамлакатимизга хориждан кўп халқаро ташкилотлар экспертлари, сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар ташриф буюрди. Улар орасида Жон Хопкинс университети (АҚШ) ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Фредерик Стар ҳам бор.

ФРЕДЕРИК СТАР ЎЗБЕКИСТОНДА

У мазкур халқаро тадбир доирасида Олий Мажлис ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва миттақаларо тадқиқотлар институтида учрашувлар ўтказди.

Олий Мажлисидаги сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари билан мулоқот чоғида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантириш билан беэсосида боғлиқ эканлиги таъкидланди. Ўзбекистонда бўлажак сайловларга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатимизда кўппартиявийликни ривожлантиришга қаратилган сайлов қонунчилиги амал қилмоқда. Бу қонунчилик халқаро ҳуқуқ ва меъёриларга тўла мос келади, хорижий демократик давлатларнинг илғор таърибаси ва миллий сайлов амалиётига асосланган.

Учрашувда икки палатали парламентни шакллантириш усуллари, фракциялар фаолияти, қонунларни ишлаб чиқишдаги иштироки борасида атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва миттақаларо тадқиқотлар институтида ўтган учрашувда эса АҚШ парламентчилиги таърибаси ҳамда юртимизда жорий этилажак икки палатали парламент тизимининг афзалликлари ҳусусида сўз юритилди. Меҳмон икки палатали парламентга ўтиш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги муҳим қадам эканини таъкидлади.

ЎЗА

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **КЕЧА** Сертели туманидаги «Ёрқин ҳаёт» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ва ҳамаюрликлариди ўтказилган давра суҳбати «Қизлар маънавияти» деб номланди.

● **БЕНЬКОВ** номидаги расмчилик ва дизайн коллежида «Зулфияноним қизлари» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туман босқичи бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида уюштирилган тадбир «Сайловлар — ижтимоий тараққиёт омилли» деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Зулфияноним қизлари» кўрик-танловининг Мировод туман босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Иккинчи чақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессиясига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи 2 ноябрь куни ўзининг йиғилишини ўтказди.

Йиғилишни ишчи гуруҳи раҳбари — Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров олиб борди.

Ишчи гуруҳи раҳбари йиғилишни очар экан, парламентнинг навбатдаги сессияси муҳим аҳамиятга эга эканлигини, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўллаб-қувватлаш ижроси ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги Давлат бюджетини лойиҳаси тўғрисидаги масалалар, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари қўриб чиқишнинг таъкидланди. Сессияни сиёсий, ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш, депутатлар самарали ишлаши учун мақбул шароит яратилишини таъминлаш зарурлигига алоҳида ургу берилди.

Сессиянинг муваффақиятли ўтиши парламент қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан

сайланган депутатлар блоклари унга қандай тайёргарлик қуришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Йиғилишда депутатлар ишчи гуруҳининг асосий вазифаси сессия муҳокамасига киритиладиган барча ҳужжатларнинг лойиҳалари ўз вақтида, сифатли тайёрлигини, бошқа бир қатор масалалар тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлашдан иборат эканлиги айтилди.

Депутатлар ишчи гуруҳи фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида унинг таркибиди ўрта кичик гуруҳ тузилди. Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафарова бошчилиги қиладиган кичик гуруҳнинг асосий вазифаси сессияга доир материалларни тайёрлаш ва уларнинг депутатларга олдиндан етказиб берилишини ташкил этиш, ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тушадиган тақлифлар ва мулоҳазаларни умумлаштириб боришдан иборат деб белгиланди.

Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ҳ.Ҳошимов етакчилигидаги кичик гуруҳ

Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик ва оқсоқиллик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёт кўп жиҳатдан хотин-қизларнинг бу жараёнлардаги иштирокига боғлиқ. Бутун дунёда эътироф этилган бу ҳақиқат пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бошланган «Хотин-қизлар ва XXI асрда барқарор ривожланиш» Ўзбекистон-Россия анжуманининг бош мавзуси бўлди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА XXI АСРДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

У Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Росзарубецентр» ваколатхонаси томонидан Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмағида ташкил этилди. Анжуманда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялари, ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотлари, Ўзбекистонда ишлаётган халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда Россия хотин-қизлар уюшмаси делегацияси иштирок этмоқда.

Хотин-қизлар мақомининг ўсиши жамият ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади, деб таъкидлади анжумани очар экан, Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова. Ўзбекистон мустақиллика эришгандан сўнг жамият ва давлат қурилишида аёлларнинг роли сезиларли даражада ортди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси мамлакат раҳбариятининг доимий эътиборида. Сўнгги йилларда бу соҳага доир қатор қонунлар қабул қилинди, мақсадли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб бу борадаги халқаро ҳужжатларни ратификация қилди.

Президент Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш учун бутун жамиятни жалб қилиш борасида катта таъриба тўплаган, деб қайд этди «Росзарубецентр»нинг мамлакатимиздаги вакили Т.Мишуковская. Бу ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга, таъриба алмашишга ундай-

ди. Бу жалғи анжуман Россия ва Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилотлари ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган.

Бу ҳамкорлик турли тадбирлар, жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги лойиҳаларни биргаликда амалга оширишда ўз ифодасини топомқда.

Анжуманда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирини Ф.Назиров, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, республиканинг бошқа идоралари, хотин-қизлар ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Россия хотин-қизлар уюшмаси вакиллари сўзга чиқди. Таъкидландики, Ўзбекистонда жамиятда хотин-қизларнинг мақомини кўтариш, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг таркибий қисмидир. Бунга ўтган йили ЮНИСЕФнинг мустақил экспертлари томонидан ўтказилган мониторинг натижалари ҳам таъкидланди. Масалан, оналар ва гўдақлар ўлими тегишли равишда 1,5 ва 2 маротаба пасайган. Бу барқарор ривожланишнинг муҳим натижаларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда хотин-қизларнинг роли тобора ошмоқда. Бугун Ўзбекистонда 300 дан ортиқ ноҳукумат хотин-қизлар ташкилоти мавжуд, улар бу жараёнда фаол иштирок этмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон ва Россия хотин-қизлар ташкилотлари алоқаларини кенгайтиришнинг янги йўналишлари ҳусусида аниқ тақлифлар билдирилди. Анжуман якунида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзолашнинг мўлжалланган.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Сиёсий партиялар ҳаётидан

НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛАДИ

«Фидокорлар» миллий-демократик партияси вилоят, шаҳар ва туман ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда.

Ушбу анжуманларда ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига ном-

зодлар кўрсатилмоқда.

Жумладан, Миллий матбуот марказида «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши конференцияси бўлиб ўтди. Унда партиянинг туман кенгашларидан 100 дан ортиқ делегатлар иштирок этди. Йиғилганлар «Фидокорлар» миллий-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби А.Акромовнинг ўтган вақт ичида амалга оширилган ишлар юзасидан батафсил ҳисоботини тингладилар. Партия фаоллари ҳисобот юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунинг таъкидлаш керакки, анжуман давомида

журналистларни аккредитация қилиш масалаларини ҳал этиш, парламент сессиясига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш жараёни, сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг қонунчилик ишдаги иштироки оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилишини ташкил қилади. «Рада-Мажлис» электрон овоз бериш тизими аниқ ишлашини ва ялпи мажлислар залида синхрон таржимани таъминлаш вазифаси ҳам мазкур кичик гуруҳ зиммасига юклатилди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Қочмарик раҳбарлик қиладиган учинчи кичик гуруҳ бутун саъй-ҳаракатини сессия вақтида депутатлар унумли ишлашлари учун уларга зарур шароитларни таъминлаб беришга қаратади.

Депутатлар ишчи гуруҳи аъзолари амалга ошириладиган ишлар режасини атрофлича муҳофаза қилдилар ва сессияга тайёргарлик қуриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан қатор тақлифлар билдирдилар. Кичик гуруҳлар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисида мунтазам ҳисобот бериб боришлари, тайёргарлик асосида юзга келадиган барча масалалар бўйича фикр алмашиб туришлари ҳамда бир-бирларига зарур амалий ёрдам кўрсатишлари ҳақида қарор қабул қилинди.

ЎЗА

СПОРТ АНЖОМЛАРИМИЗ СИФАТИ ОШМОҚДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Мазкур кўرғазмани ташкил этишдан асосий мақсад Ўзбекистонда болалар спортига бўлган эътибор ва талабни янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни сифатли спорт анжомлари билан таъминлаш, импорт ўрнини босадиган, дунё андозларидаги тўла мос келадиган махсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир.

Кўрғазмада 30 га яқин корхоналар, қўшма корхоналар, хусусий фирмаларнинг махсулотлари намойиш этилмоқда.

— Кўрғазмани ташкил этишдан яна бир мақсад — ўқув муассасаларида бўлиб этилаётган спорт иншоотлари ва ўрта таълим мактабларидаги спорт залларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашдан иборат, — дейди Республика Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси Абдухалил Маликов. — Бунда биринчи навбатда хорижники билан бемалол беллаша оладиган рақобатбардош махсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилади.

Кўрғазмада намойиш этилган махсулот намуналарини махсус комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди. Рақобатбардош, чидамли спорт жиҳозлари соҳага дахлдор ташкилотлар томонидан харид қилишга тавсия этилади.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзэкспомарказ» павильонларида ташкил этилган спорт анжомлари намойиши мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади деган умиддамиз.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: «Ўзэкспомарказ»да ташкил қилинган кўрғазмадан лавҳа.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

шаҳар Кенгаши фаолиятида эришилган муваффақиятлар, муаммолар тилга олинди.

Сўзга чиққанлар Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига партиядан муносиб номзодлар танлаш лозимлигини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, сайловларда Тошкент шаҳар Кенгашидан иллати борица кўпроқ ўрин олишга эришил лозимлигига ҳам эътибор қаратилди.

«Фидокорлар» миллий-демократик партияси қурултойига Тошкент шаҳар Кенгашидан 35 нафар делегат сайланди.

(Ўз мухбиримиз)

Иқтисодиёт

ЕВРОПА
СТАНДАРТЛАРИ
АСОСИДА

Шахримиздаги «Magik tom» масъулияти чекланган жамиятида том ёпиш қопламалари, черепицаларнинг 6 тури ишлаб чиқарилмоқда.

Асосан кум, цемент аралашмасига мустақкам ва кўпга чидамли бўлиши учун махсус қотишмалар қўшиб тайёрланган ушбу черепицалар Урта Осиё иқлимига ўта чидамли ва барча аҳоли яшаш бинолари, мухтамал иморатлар томлари учун бирдек фойдалана билади. Рим усулидаги корхона махсулотлари 300 мм х 400 мм ўлчамда бўлиб, ҳар бирининг оғирлиги 4,5 килограмм ва 10 миллиметр қалинлигида.

— Корхонамиз Италиянинг «Vortex Hydra» компаниясидан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, — дейди жамоа раҳбари Равшан Гафоров. — Ишлаб чиқариш учун ювилган кум, цемент ва пигмент зарур хом ашё ҳисобланади. Бир неча хил ва рангдаги том ёпиш қопламалари ва черепицалар экологик жиҳатдан тоза ва Европа стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Геометрик параметрлар асосида тайёрланаётган ёйсмон, 3 ва 4 ёнламли, овалсимон шаклдаги черепицалар томларга ўрнатиш учун қулай ва биноларга янада чиroy бағишлайди. Қуёш нури таъсирига чидамли, совуқ иқлимга мослашган, сув ва намли ўтказмайдиган корхонанинг сифатли черепицалари бугунги кунда ўзининг доимий харидорларига эга.

«ЁШ
ФУТБОЛЧИ»
ҚАНДОЛАТЛАРИ

Хозирда ширинликларнинг турлича номларини эшитамиз. Бу номларнинг кўпчилиги «Мазали», «Асалли», «Ширин» деб номланса, айрим ширинликларга кичкинтойлар эътиборини тортиш мақсадида мултифильм қаҳрамонлари номлари берилади. Қайсидир маънода бу бизнеснинг яхши усули, аммо ширинликлар ўз номига мос бўлса нур устига аъло нур бўларди. Аини пайтда ўз номи ва мазаси билан харидорлар эътиборига тушган «Ёш футболчи» корхонаси ширинликларни кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Россиядан келтирилган замонавий линиялар билан жиҳозланган корхонада бугунги кунда 20 хилдан ошқ қандолат махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Мазаси ва сифати четдан келтирилаётган импорт қандолатларни ўрнини боса оладиган корхона ширинликларига ички бозоримизда талаб юкори.

Аини пайтда корхонада 30 га яқин ходим иш билан таъминланган бўлиб, улар шахримиздаги 50 дан ошқ савдо шохбачалари билан тузилган шартнома режаларини баҳарлашда сифатли меҳнат қилишмоқда. Албатта, маъсулнинг сифати билан бирга унинг қадокланишига ҳам алоҳида эътибор берган корхона жамоаси келгусида ҳамдўстлик давлатлари билан шартнома тузишни режалаштиришган.

Орзул РУСТАМОВА

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кун

да, аслида, муқобилликка ишора мужассам, — дейди А.Саидов. — Шу маънода, юртимизда сайловчилар учун партия номзодларига муқобил номзодлар кўрсатиш ҳамда сайлаш имконияти яратилгани аини мудоо бўлди. Бу истиклол шарофати туфайли мамлакатимизда сайловларнинг эркин ва демократик усуллар билан ташкил этилаётганининг мевасидир.

Ҳақиқий демократиянинг амалдаги намоёни бўлиши ушбу янгилик халқаро сайлов ҳуқуқи андозаларига ва умуминсоний демократик қадриятларга тўла мос келади. Бу усул Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан эркин ва демократик сайловларга қўйиладиган халқаро талабларга тўла жавоб беради. Демократиянинг миллий институти — маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими анъаналарига ҳамохандир.

Мустақил номзодларнинг кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти айниса катта. Бундай номзодларни кўрсатадиган ва сайлайдиган сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари тизими эса жаҳон сайлов таърибасида ибратли, халқ оmmasи вакилларини парламентга кўпроқ жалб этиш, давлатни бевосита бошқаришда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш жабҳасида Ўзбекистонда ўзига хос халқчил демократиянинг чуқурлашиб бораётганини кўрсатувчи кўзгудир.

— Шу ўринда депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш тартиби ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Сайлов ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис ёки маҳаллий вакиллик органларига сайловчилар ташаббускор гуруҳи орқали депутатликка ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар, маҳаллий вакиллик органлари учун эса юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳи тузилиши керак.

Сўнгра сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳини рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади.

Бунинг учун сайловчилар ташаббускор гуруҳи аризасига, биринчидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи, манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат, иккинчидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йигилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қозғов илова қилинади. Шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йигилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва баённомаси тақдим этилади. Унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими ёки машғулотиининг тури, иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилган бўлиши керак.

Округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунари талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида сай-

Хозирги замон сайловчиси истиклолга қадар бўлган, ҳатто беш-ўн йил бурунги сайловчидан ҳам жиддий фарқ қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб демократик ислохотлар натижасида унинг сиёсий фаоллиги изчил ортмоқда. Бугун у чинакамга танлаш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятига эга.

Мамлакатимизда 1999 йилда ўтган сайловлардан эътиборан сайловчилар нафақат сиёсий партиялар қўрсатган, аини вақтда фуқаролар томонидан кўрсатилган мустақил номзодларга ҳам овоз бериши мумкинлигидан иборат янгиликнинг пайдо бўлиш сабаблари, мазмун ва моҳияти нимада?

Нодавлат нотижорат ташкилот - Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Акмал САИДОВ билан суҳбатимиз аини шу саволдан бошланди.

— «Сайлов» сўзининг замирида, аслида, муқобилликка ишора мужассам, — дейди А.Саидов. — Шу маънода, юртимизда сайловчилар учун партия номзодларига муқобил номзодлар кўрсатиш ҳамда сайлаш имконияти яратилгани аини мудоо бўлди. Бу истиклол шарофати туфайли мамлакатимизда сайловларнинг эркин ва демократик усуллар билан ташкил этилаётганининг мевасидир.

Модомики, округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олишни рад этса, бу ҳақда тегишли тартибда асослангиланган жавоб қайтариши лозим.

Дарвоқе, сайловчилар ташаббускор

неғизи — кенг халқ оmmasидир. Номзодларни халқ тўғридан-тўғри саралайди, танлайди, сайлайди. Ўз галида, улар ҳам бевосита халққа таянади, халқ манфаатларини ҳимоя қилади.

Эътирофга сазовор томони шундаки, биз парламентга халқ вакилларини неча йиллар давомида эл орасида синалган, феъл-атвори чархланган, шажараси яхши таниш, эл-юрт қорига ярайдиган, эзгу ишларга қобил ва қодир, ҳалол ва ҳамиятли, фидойи ва ташаббускор, Ватан, халқ, миллат манфаатларини юксак қадрлайдиган кишилар орасидан тўғридан-тўғри танлаб олиш имкониятига эгамиз.

Бошқача айтганда, мустақил номзодлар халқ ишончига таянадилар, элнинг оқ фотиҳасини олиб майдонга чиқадилар. Халқ ишончи эса, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, олий масъулиятдир.

— Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Марказ ўтган галги сайловлар даврида тузилганди. Жаҳон сайлов амалиётида янгилик ҳисобланувчи ушбу Марказ йигирмадан ортиқ таъсисчилар, жумладан, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакиллари, мустақил номзодлар, маҳалла оқсоқоллари ва бир қатор ноҳукумат ташкилотлар ташаббуси билан юзага келди.

Марказга унинг мақсадларини қўллаб-қувватловчи барча ташкилотлар, мустақил номзодлар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари жамоа шаклида ва алоҳида тарзда аъзо бўлишлари мумкин. Марказнинг бўлимлари барча вилоятларда фаолият кўрсатмоқда.

Марказнинг асосий мақсади Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига сайловларда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган номзодлар ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишида уларнинг доимий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, юртимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, эркин ва адолатли сайловларни ўтказиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фуқаролар, жамият ҳамда давлат манфаатларини ўйгунлаштиришга кўмаклашишдан иборат.

Марказ мустақил номзодларга сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузишда ва уларнинг сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинишига кўмаклашади. Сайловларда мустақил номзодларнинг умумий рўйхатини тузади, уларга сайловолди кампаниясини ўтказишда, хусусан, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплашида, учрашувлар ва ташвиқот ишларини олиб боришда ёрдам беради. Мустақил номзодларнинг кузатувчиларини тайинлашда кўмаклашади. Бундан ташқари, мустақил номзодларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уларнинг сайлов ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш воситалари ва усуллари тўғрисида тавсиялар беради. Мустақил номзодларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилса, уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашади ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Шунингдек, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларига сайловларда иштирок этаётган мустақил номзодлар тўғрисида мунтазам маълумотлар бериб боради.

ЎЗА мухбири
Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.

МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАР
КЎРСАТИШ —
ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНА
БИР НАМОЙИШИ

гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли бўлади. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Имзо тўплашнинг ҳам қонунда кўзда тутилган қатъий қоидалари мавжуд. Хусусан, депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорда номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа жойларда олиб борилиши мумкин.

— Сайлов жараёнининг тенг ҳуқуқли субъектлари ҳисобланувчи мустақил номзодларга хос жиҳатлар, сизнингча, нималарда кўринади?

— Аввало, вакиллик органларига номзод кўрсатишнинг ушбу усули тамомила ўзига хос, ноёб демократик институт бўлиб, юқорида айтганимдек, мустақил номзодлар бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилади. Улар, одатда, кенг жамоатчиликка яхши таниш, халқ ичидан чиққан ва элга яқин ҳамюртларимиз бўлади.

Мамлакатимиз аҳолисининг аксариёти сиёсий партияларга аъзо эмаслиги ўзиниғизга аён. Мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотлар тузиб, маърифат, маънавият, илм-фан, яратувчилик билан банд юртдошларимизнинг ҳам катта қисми партиясиздир. Демокриманки, хозирги шароитда юртимизда партиялар фаолиятига жалб этилмаган кишилар кўпчилиги ташкил этади. Шу билан бирга, улар сиёсий фаолиятдан — давлат бошқарувида иштирок этишдан четда қолишлари мумкин эмас.

Бир сўз билан айтганда, ҳокимиятга даврдоғ партиялардан ташқари, жамиятнинг бошқа қатламлари ҳам давлат бошқарувида бевосита иштирок этиши адолатли ҳаракатдир. 1999 йилда ўтган сайловдан буюн фуқаролар ўзларининг маҳаллалари, мавзелари ва туманларидаги таникли, обрў-эътиборли ва ишончли кишиларни ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун депутатликка номзод сифатида кўрсатиш имконига эга бўлдилар.

Мустақил номзодларнинг ижтимоий

«Кўчмас мулк — кетмас давлат» дейишди донолар. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мушаккил йилларида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Республика Кўчмас мулк биржаси самарадорлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ Республика Кўчмас мулк биржаси ташкил этилган. Мамлакатимизда давлат мулкларини очик кимошди савдолари, танлов ва биржа савдолари орқали хусусийлаштириш, замонавий кўчмас мулк бозорини яратиш, юртимизда мулкдорлар синфини шакллантиришга муҳим ҳисса қўиш биржанинг асосий вазифалари сирасига кирида. Бугунги кунда биржанинг пойтахт ва барча вилоятларда ҳудудий бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Биржанинг Тошкент шаҳар бўлими директори Зокир ШАМШИЕВ жамоа фаолияти ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

Биржалар фаолиятини

МУҲИМ ҲИССА БЎЛМОҚДА

— Бўлимимиз ўз иш фаолиятини ва объектларини сотишни Ўзбекистон Республикасининг «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида»ги қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида ташкиллаштирган. Ана шулар ва олимизда турган асосий мақсад йўлида меҳнат қилиб, ўтган давр мобайнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш, очик кимошди, танлов ва биржа савдоларини ташкил этиш борасида тажриба тўпладик. Шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига асос бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлар, мулкдорлар сафининг кенгайишига ҳам ҳисса қўишди, десам янгилишмайман. Чунки ҳар қандай тадбиркор фаолияти бошланганида кўчмас мулкка, яъни офис, ишлаб чиқариш биноси, савдо майдонлари, омборхоналар ва бошқа мулкларга эга бўлишга интилади. Бу уларнинг бизнеси ривожига ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, албатта.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги «Пастрентабелли, зарар қўриб ишлатган, иқтисодий нолор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаштиришнинг жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 37 та давлат объектларига бошлангич баҳоси босқимчаси пасайиш механизмининг қўллаб, пировард натижада куп вақтдан бери ўз эгасини топа олмаётган 19 таси қисқа муддат ичиди бўлимимиз савдо-харакатлари билан ҳақиқий эгасига эга бўлди. Шунингдек, Давлат мулк қўмитаси томонидан очик савдолар орқали хусусийлаштирилиши белгиланган давлат объектлари, корхоналари ва улушларининг савдоларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратганмиз.

Малакали ходимларимиз ҳамда брокерларнинг астойдил савдо-харакатлари самара бериб жорий йилнинг ўтган даврида бўлим томонидан

жами 66 та савдолар ўтказилди. Уларнинг 6 таси кимошди ва 60 таси биржа савдоларининг. Ушбу савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар бўлимида 129 та объект, яъни кўчмас мулк, қурилиши тугалланмаган объектлар, янги тартибда уй-жой қўриб мерос қолдириш ҳуқуқи билан ер майдонлари, уй-жойлар — жами 1.575.623,6 минг сўмлик битимлар қайд этилди.

Жорий йил бошидан буён бўлим савдоларида 76 та объектлар жами 733031,37 минг сўмга жисмоний шахсларга сотилган бўлиб, бу кўрсаткич умумий сотилган объектларнинг 58,14 фоизини ташкил этади. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, кўчмас мулк бозорига жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган битимлар сони ҳамда мунтазам равишда ўсиб бораётганлиги мамлакатимизда мулкдорлар синфини фаол шаклланаётганидан, тадбиркорлар савдо кенгайиб, кичик ва хусусий бизнес ривожланиб бораётганидан далолатдир. Бу борада, албатта, бўлимимизнинг ҳам ўз ҳиссаси бор.

Мулкни сотишда ошкоралик муҳим аҳамият касб этади. Савдога қўйилган объектларни сотиб олишни ихтиёр қилганларни кўпроқ жалб этиш ҳисобига рақобатни юзага келтиришга, чет эл сармоядорларини жалб этишга аҳамият қаратилади. Бу борада реклама-ахборот ишлари муҳим рол ўйнайди.

Яна шунинг айтиш жоизки, биржада жорий қилинган марказлаштирилган электрон биржа савдоси тизими республикамизнинг исталган ҳудудига фаолият кўрсатаётган брокерларга тўғридан-тўғри савдо қилиш имкониятини яратиш баробарида ошкораликни ҳам таъминлайди.

Брокерлар хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳозирда бўлимимизда 18 та брокер фаол иштирок этиб келмоқда. Лекин уларнинг ўрни чегараланмаган бўлиб, белгиланган аттестациядан ўтган брокерлар биржа савдоларида қатнашиши мумкин. Ҳозирда биржада фаолият кўрсатаёт-

ган брокерлар ўзининг тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи ёки кенгайтирмоқчи бўлган юрtdошларимиз ва хорижий инвесторларга кўчмас мулк сотиб олишдек мураккаб масалада сидқидилдан малакали хизмат кўрсатмоқда.

Фаолиятимиздан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фойдаланиладиган, қаровсиз қолган мулк очик савдоларга чиқариб сотилса, ҳақиқий эгасининг қўлига ўтади. Бундан уни сотиб олган янги мулкдор, аҳоли, давлат ҳамда жамият манфаат қўради, қўшимча ишчи ўринлари яратилиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Бу албатта иқтисодиётимиз равишда ҳам муҳим ҳисса бўлади.

Шунинг айтиш жоизки, биржамиз нафақат давлат мулкларини сотиб олишда, балки тадбиркорлар ва фуқароларимизга ўзларига тегишли мулкларини кимошди, танлов ва биржа савдолари орқали сотиб беришда ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда. Мулкни сотиб олиш ёки сотиш ниятидаги фуқаролар ва тадбиркорлар биржа брокерларига мурожаат этсалар қийос.

Ҳозирда биржа ўз савдолари орқали амалга оширилган битимлар юзасидан янги таҳлили маълумотлар базасини жорий қилиш устида иш олиб бормоқда. Бунинг ўзига хос афзаллик томони бўлиб, аввало сотилган мулк объектлари ҳақидаги ахборотда унинг жойлашган ҳудуди, халқ ҳўжалик тармоғи, эскириш даражаси ва бир метр квадратига тўғри келадиган нарх акс этади.

Сирасини айтганда, кимосди танлов ва биржа савдолари орқали мулк сотиб олиш, бу — мавжуд имконият ва маблағларни тадбиркорликни янада ривожлантиришга самарали йўналтиришнинг энг қўлай усули бўлиб, биз ҳам фаолиятимиз билан ана шу кичик бизнес ва тадбиркорлик равишда, ишчиларни иш билан таъминлашга, иқтисодиётимиз ўсишига муҳим ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Сухбатдош
Шарифа ИЛЁСОВА

Давлат акциядорлик «Ўзўйжам»гарма-банкнинг Тошкент шаҳар бўлими ҳам банк хизматларидан бири бўлиши кредитлаш бўйича ўз мижозларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратган. Бўлимда 2000 нафардан зиёд мижозларга хизмат кўрсатилса, улар қаторига пойтахтимиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес субъектлари ҳам кўпчиликини ташкил этади. Банк хизматларини сифатли, тезкор ҳамда самарали тақлиф қилишни кўзда тутиб халқ ҳўжалик тармоқлари ва мулкий шаклига қараб мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимлари ташкил этилган бўлиб, «Кичик бизнес субъектларини кредитлаш» бўлими тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратган. Бундан ташқари кичик бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорларга молиявий қўмакни қўнайитириш мақсадида Европа Тикланиши ва тараққиёт банки линияси бўйича кредитлаш бўлими ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, банк кредит субсидиядан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес субъектларига бошлангич сармояни шакллантириш учун, қурилиш мақсадлари ва асос-ускуналар сотиб олиш, савдо фаолиятини амалга ошириш, тиббий хизмат кўрсатиш, узоқ муддатли лизинг хизматларини кўрсатиш

учун бериладиган ва бошқа кредит хизматларининг турлари мавжуд.

Давлат акционерлик «Ўзжамгармабанк» шаҳар бўлими томонидан иқтисодиётнинг реал сектори бўлиши кичик бизнеснинг турли хил тармоқлари инвестициялардан айна пайтда янги лойиҳалар қўриб чиқилмоқда. Шунингдек, республикамизда пластик картонлар муомалага киритилишини ҳисобга олган ҳолда кичик бизнес субъектларини кредитлаш бўлими томонидан пластик картонларга хизмат кўрсатиш н терминалларни кредитга бериш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари имтиёзли кредит жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлар эвазига имтиёзли кредитлар ажратиш, банкнинг шахсий маблағлари ҳисобига тижорат кредитларини ажратиш, бюджетдан ташқари фонд маблағлари эвазига кредитлаш хизматлари ҳам амалга оширилмоқда.

Банкнинг шаҳар бўлими кредит портфелида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори жами кредит қўйилмаларининг 30 фоиздан кўпрогини ташкил этади. Бўлим

мутахассислар томонидан ўрганилди. Даромадли деб топишган ушбу лойиҳани кредитлаш масаласи кредит қўмитаси томонидан ижобий ҳал этилди. Ҳозирда эса ажратилган кредит маблағлари корхона ривожига муҳим ҳисса бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, кредит маблағларини олишда иқтисодиёт ривожланиши ҳамда муҳим мақсадда банкка малакали мутахассисларни жалб этиш баробарида фаолият кўрсатаётган қадрлар тажрибаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада ўтказилаётган семинар-тренинглари, ўқув курслари ташкил этиш ҳамда чет эллардаги иш-жуманларда иштирок қилиш катта самара бермоқда.

Кичик ва хусусий бизнес субъектларига қўлайлиқлар яратиш мақсадида мутахассислар томонидан банкдан бепул маслаҳат ишлари ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда иқтисодиётимиз равишда муҳим ўрин тутадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашда банк бор имкониятлардан самарали фойдаланмоқда.


(Ўз мухбиримиз)

ТАДБИРКОР

Ана шундай кўзгуларнинг бежирим, чиройли, ранг-баранг турларини ишлаб чиқараётган Ўзбекистон Ногиронлар жамиятига қарашли «Надежда» — шўъба корхонасида 28 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатса, уларнинг 15 нафари ногиронлардир. Аммо уларнинг меҳнати, дид ва маҳорати билан яратилган маҳсулотлар буюртмачиларни мамнун этмоқда.

— Инсон ким бўлишидан қатъи назар ҳамisha умид билан яшайди, яхши ният билан меҳнат қилади, — дейди корхона директори Бахтиёр Зокиров. — Сафларимиздаги турмуш қатъоси билан ногирон бўлиб қолган инсонлар ҳам ана шундай умид билан ишлаб одамларга хизмат қилаётганидан, уларнинг қорига яраётганидан мамнун бўлишди. Маҳсулот тайёрлаш бир неча жараёни ўз ичига олиб, албатта бунда цехларимизга ўрнатилган Россия ҳамда хориждо дастхоналаридан унумли фойдаланамиз. Тошйоналардан ташқари иккиламчи хом ашёдан турли хил халқ истеъмоли моллари ва бошқа буюртмаларни бажариб пластмасса маҳсулотлари ҳам тайёрлашни йўлга қўйганмиз.

Бугунги кунга келиб корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг турлари 50 дан ортиб кетди. Сифатига, қўрилишига эъти-



Кичик ва хусусий бизнес

КЎЗГУДА — МЕҲНАТ АКСИ

Ҳар куни одатдагидек иш ёки ўқишга отланар экан кўзгуга ҳеч бўлмаганда бир зумгина нигоҳ ташламаган одам камдан кам учраса керак. Меҳмонга кетаётгандаку, албатта унинг олдида анчагина туришга тўғри келади. Демакки, кўзгу ҳар бир хонадонга, ҳаттоки ишхонангизда ҳам ҳар бир хонага зарур ашё ҳисобланади.

бор қаратиш баробарида хари-дорлар эҳтиёжи ҳам ҳисобга олиниб бирмунча арзон нархда тайёрланаётган ушбу маҳсулотлар орасида биргина тошйонанинг 30га яқин турлари мавжуд. Шу-нингдек, пластмассадан тайёрланаётган ванна ва ошхона термалари, турли хил челақлар ҳам ўз харидорларига эга. Жорий йилда тошйоналарнинг янги тур-

зига ҳар ойда 2,5-3 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда. Ўтган йилда тадбиркорлар «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг катта буюртмасини ўз вақтида адо этишди. Жорий йилда Республика Ички ишлар вазирлиги ҳам буюртма берган.

Шунингдек, қўшни республикалардан ҳам корхона маҳсулотларига харидорлар чикмоқда. Бу эса маҳсулот экспортини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Мана шундай харидорларни жалб этишда эса сифатга, маҳсулот турларига қаратилган муҳим эътибор катта аҳамият касб этиб, бу борада Ольга Мельникова, Музаффар Рўзиев, Минаҳмад Минулин, Александр Федякин, Обид Иброҳимов сингари усталарнинг хизматлари салмоқлидир.

Яна энг муҳими, ишчи-хизматчилар меҳнатига яраша моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади. Бу албатта, уларнинг янада самарали ишлашларида, иқтисодиётимиз ривожига ўз улушларини қўишларида муҳим омилдир.

Дилноза ГИЁСОВА
СУРАТДА: корхона тадбиркорларининг меҳнат фаолиятдан лавҳа.

Ҳакимжон Солихов
олган сурат

ришибди. Бунинг учун ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури бўйича 2 та ускуна сотиб олиш кўзда тутилган. Ана шунда рақобатбардош ва керакли маҳсулот — мамлакатимизда ишчи-хизматчиларга автомобильлар учун эҳтиёт қисмлари тайёрланади. Юқорида изланишлар самараси бўлса керакки, корхона ички бозорда ўз ўрнига интилиб, харидорлари сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Бундан ишчи-хизматчилар нафақат моддий манфаатдорлик қўришмоқда, балки янги ишларга ҳам руҳланимоқда.

Мохина БЕКНАЗАРОВА
СУРАТЛАРДА: Фотима Қосимова безак берган чинни буюмлари барчага завқ бағишлайди; корхона цехларида тайёрланаётган мана шундай чиннилар ҳар бир уй бекасига ёқади.



Шу боис ҳам пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ижод-ижод» хусусий корхонаси тадбиркорлари бозорни ўрганиш асосида маҳаллий хом ашёдан чинни маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш-

кин, — дейди хусусий корхона раҳбари Бахтиёр Раҳмонов. — Изланиш, изланганда ҳам бозорни чуқур ўрганиш асосида иш юритиш керак. Биз ҳам ўз имкониятларимизни қамалаб қўриб фаолият доирамизни

Бозор ва харидор

ИШ КЎЗИНИ БИЛГАНЛАР

Иш кўзини билган тадбиркор замон билан қадам-қадамда одим гоилари асосида меҳнат қилади. Ана шунда натижа қутилганидек, ҳаттоки ундан ҳам зиёд бўлади.

кеңгайтиришга бел боғладик. Самарқанддан келтирилган маҳаллий хом ашёдан чинни маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Лаборатория йўли билан изланиб, чинниларнинг сифатли бўлиши учун оқлик даражасига алоҳида эътибор қаратдик. Натижа эса қутилганидек бўлмоқда. Ҳозирда тайёрлаётган чинниларимиз харидорларимизга манзур бўлмоқда.

Чиннига берилган турли безаклар, албатта унинг харидорлигини оширади. Ана шундай безаклар, гул ва нақшларни яратишда

ташлайди, эртасини ҳис этади, аниқ ҳиссаси қўлига қўйиб, ҳаттоки ундан ҳам зиёд бўлади. уста дизайнерлар Милохат Мирзахмедова ҳамда Анвар Нўрмоновларнинг хиссалари каттадир. Шу боис ҳам ўтган қисқа давр мобайнида чинни буюмларнинг тури 16 хилдан ортиб кетди. Улар орасида миллий ифтихоримиз бўлган — пахта тасвири тўширилган чинни буюмлару бўртиб чиққан гуллари ўзгача қиёфа касб этган гулдону чойнақлар, турли термалар ўзига хос ўрин тутмоқда.

Эндиликда эса изланувчан тадбиркор жамоа ахли пластмассадан маҳсулот тайёрлашни режалаб ту-

ришибди. Бунинг учун ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури бўйича 2 та ускуна сотиб олиш кўзда тутилган. Ана шунда рақобатбардош ва керакли маҳсулот — мамлакатимизда ишчи-хизматчиларга автомобильлар учун эҳтиёт қисмлари тайёрланади. Юқорида изланишлар самараси бўлса керакки, корхона ички бозорда ўз ўрнига интилиб, харидорлари сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Бундан ишчи-хизматчилар нафақат моддий манфаатдорлик қўришмоқда, балки янги ишларга ҳам руҳланимоқда.

Мохина БЕКНАЗАРОВА
СУРАТЛАРДА: Фотима Қосимова безак берган чинни буюмлари барчага завқ бағишлайди; корхона цехларида тайёрланаётган мана шундай чиннилар ҳар бир уй бекасига ёқади.



Айни кунларда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «HAN BIO TECH» масъулияти чекланган жамиятида мавжуд хорижий линиялар қувватидан тўла фойдаланган ҳолда иш юритилиб сифатли анос шарбатлари тайёрланмоқда. Инсон солиғи учун ниҳоятда фойдали саналган табиий анос шарбатлари пойтахтимиздаги 100 дан зиёд супермаркетларда харидорларга етказиб берилиши билан бирга, Жанубий Корея давлатига ҳам экспорт қилинмоқда. Маҳсулот қалоқданишига қаратилган эътибор ҳам харидорлар сафини орттирмоқда.

СУРАТДА: корхона менежери (ўнгда) Тўйчибой Бойматов ва оператор Рифат Якубов тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда.

Дундаги галлар

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Бозорларимизни кезиб, дўконларимизни айланиб, тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган кийим-кечақлар, рўзгор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига алоҳида эътибор қаратиладиганидан, хориждан келтирилаётган маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша оладиган товарлар харидорларга манзур бўлаётганидан қувонасан киши.

Лекин гуруч қурмақсиз бўлмаганидек, айрим ўзини «тадбиркор» дея атаётганлар фақат фойдасини ўйлаётгани кишини ранжитилади. Айниқса, яқка тадбиркорлар тайёрлаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни турли хил торт ва пишириклар ҳар бир бозор пештахталарини тўлдириб турибди. Аммо уларнинг барчасини ҳам сифатли деб бўлмайди. Негаки, ушбу усти ялтироқ, лекин сифатсиз маҳсулотлар фақат сотиш учун чиқарилади. Агарда мазасини тотиб кўрсангиз, кўнглингизни беҳузур қиладиганлари жуда кўп.

Бундай қараганда чиройли кўрилган ана шундай пишиқларни тайёрлаётган пазанд тадбиркорларнинг маҳоратига қўйил қоласизу, татиб кўргач, ёки бирор жойга олиб боргач, кўпинча уялиб қола-

сиз. «Аттанг, шунча масалликни исроф қилибди-я», дейиш билан бирга кетказган пулин-гизга ҳам афсусланасиз.

Шу ўринда бир савол туғилади: ана шу маҳсулотларни тайёрлаётганлар ўзлари ҳам шундан истеъмол қилишармикан? Уларга пишиқларини сотиш учун руҳсат берувчилар-чи? Ахир фақат ҳамини ўйламай, харидорни ҳам ўйлаш керакда. Бунақада мана шундай масъулиятсиз тадбиркорлар ўз харидорини йўқотиш билан бирга, сифатли маҳсулот тайёрлаш йўлида тинмай изланаётган ҳамкасбларининг ҳам обрўини тушириши турган гап. Улар «Инсоф сайин барака» деган нақлни унутмасалар фойдали бўларди.

Дилфуза ҒАНИЕВА,
харидор.

Сўраш,
жавоб берамиз

ПУЛ АЙЛАНСА...

Тадбиркор пуlining хар доим айланиб туришини таъминлаш керак, дейилади. Бунга зарурат борми?

Зилола ЭРҒАШЕВА,
бўлғуси тадбиркор.

Шуни унутмаслик лозимки, маблағнинг ҳаракати унинг миқдорига нисбатан каттароқ аҳамият касб этади. Масалан, оддий нон сотувчи заргарникидан 10 барабар кам бўлган маблағ билан мўмай фойда олиши мумкин. Чунки у жуда ҳам тез пулни нонга, нонни эса пулга айлантиради. У ҳар қуни ўзининг бутун товар захирасини сотиб бўлади. Заргар эса ўз молини бор-йўғи бир марта айлантиради.

Бундан келиб чиқадики, аксарият фирмалар даромади унчалик катта бўлмаслигининг сабаби улардаги катта миқдордаги пуlining ўли эканидир. Уларда жуда кўп моллар чанг босиб ётади, жиҳозлар кам ишлатилади. Хом ашё захираси ҳаддан ташқари катта. Биноларнинг барчаси ўлик маблағлардир. Нархлар ошаётган ҳоллардан ташқари барча ҳолларда товарни ушлаб туриш фақат зарар келтиради. Жиҳоз ёки бинонинг қиймати унинг баҳосига эмас, балки фойдаланишга боғлиқ.

Бизнеснинг моҳияти айирбошлаш бўлиб, пулни товарга, товарни пулга ва яна акси. Бунинг имкон қадар тез қилиш керакки, катта дивидендларнинг сири ҳам ана шунда.

Тадбиркор шуни унутмаслиги керакки, фойда кўпроқ нархнинг баланглигига эмас, балки савдонинг суръатига боғлиқ бўлади. Бир йилда 30 фоиз даромад олгандан кўра ҳар ойда 5 фоиздан фойда олган афзалроқ.

Бизнесмен фақат катта маблағ тўплашга ружу қўймай, аксинча ўзида бор маблағдан фойдаланишни тезлаштириши керак. Албатта, бу унга фақат фойда келтиради. Демак тадбиркорнинг ҳар доим пуlining айлантириб туришига зарурат бор.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб
домо бўлиб...

• Азизим, машварат, яъни маслаҳат бу — ақлли кишиларнинг кенгаши. Оқил кишилар қаерда бўлишмасин бир муҳим воқеани хал қилишга киришсалар, мушкул нарсалар ҳам оқибатда яхши натижа билан тугайди. Бу сўзга маънолар гавҳарининг хазинаси бўлмиш Мавлавий Жалолиддин Румийнинг сўзлари гувоҳдир.

Мушкул ҳодисани

кўрса хирадманд,
Бу мушкулдан
йўли бўлиб қолса
банд.

Ўз ақлига ўзга

ақлин қилар ёр,
Ақл хал қилмоққа
бўлар мададкор!
Ёлғиз шамдан
хона бўлмаса равшан,
Бошқа шамлар ёнар
яна бу шамдан!

• Билгилки, барча овқатларнинг тури ейилиш қоидасига қараб фойда ёки зарардан холи бўлмайди. «Ажойиб ал-маҳлуқот» китобида ёзилишича, иллат пайдо бўлишнинг сабаби киши ўз мижозига ёқмайдиган овқатни ейишида, барча дориларнинг боши эса мижозга ёқаётган овқат ейишдадир. Кам овқат ейиш билан даволаниш барча овқатлардан афзалдир.

Овқатларни бир-бирига аралаштириб еб бўлмайди. Масалан, қатқини гўр узум суви билан, барча турдаги овқатлардан кейин эса ўрик ва шафтоли еб бўлмайди. Гўр узум билан балиқни, сирка билан саримсоқни, пийёз, саримсоқ пийёз, хардал буларни ҳам аралаштириб еб бўлмайди. Барча мева турларидан кейин эса совуқ сув ичиш мумкин эмас. Бундан ташқари асал билан қовунни, товук гўшти билан балиқни, саримсоқ, айрон, қатқини ҳам аралаштириб еб бўлмайди.

• ХИКМАТ. Айбнингдан хабар топиб, уни бировларга ошқор қилмайдиган, сенга яхшилик қилса уни таъна қилмайдиган, унга яхшилик қилсанг асло унутмайдиган одам билан дўстлик ипини боғламоқ керак.

Байт:

Кўп ҳолатнинг
бўлдим шохиди,
Айб қидирган
бўлди айбдор.
Кимнинг бўлса
юраги тоза,
Ўзга айбин
қидирмас зинҳор,
Дўст айбини
бекитар доим,
Фазилатин мактаиди
такрор,
Яхшилигин улуг
деб бўлмас,
Ўзингни ҳам асло
тутмас хор.
Шундай дўстга дуч
келсанг агар,
Кўлларингдан
чикарма зинҳор!

• Сабабсиз қулги — беодоблик белгиси.

• Хар бир дарахтнинг меvasи бор, қўнғилнинг меvasи эса фарзанддир.

• Дўст билан сўхбат қурмоқ гуллар орасида сайр қилмоқ ва гўзаллар нағмасига қулоқ солмоқдан хушдир.

• Хар нарсанинг янғиси, аммо дўстнинг эскиси яхши.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

АМИР ОМОНУЛЛОХОН
ХУЗУРИДА

Китоби залолат, яъни ўзларининг айби ҳақида мумкин қадар сўз очмасликка тиришган Хошим Шоиқ диққатни асосан Саид Махмудхон Тўра томонга бура олди. Мақсад асли шу эди.

Маориф вазири Файз Мухаммадхон Зикрий билан Хошим Шоиқ чорасиз подшо Амир Омонуллохон хузурига кирдилар. Асли бу ишни унга билдирмасдан ими-жимиди бости-бости қилмоқчи эдилар, ундасидан чиқишнинг иложи бўлмади. Аҳвол, вазият ниҳоятда таранглашган эди.

Кирганларида, аксига, подшонинг кайфияти ҳам унчалар яхши эмас экан ёки Хошим Шоиққа шундай туюлди, ҳар қалай уларни совуқ қарши олди. Бу совуқлик уларнинг ташрифлари муносабати билан тугилгани йўқ, балки халқроқ вазиятга боғлиқ суратда пайдо бўлган, деб ўйлади ичида Хошим Шоиқ. Афғонистоннинг қизил Россия билан яхши алоқалар боғлаганлиги Буюк Британияга асло ёқмасди. Шу сабабдан инглизлар мамлакат ичида турфа хил жосуслик фаолиятларини қизитиб юбордилар. Бундай ҳаракатларни чеклашга Амир Омонуллохоннинг қурби келавермагандан подшонинг ўзи изтиробда эди. Ҳа, ҳеч қачон мамлакатнинг, давлатнинг кичик бўлмасин экан. Кичик, қусиз мамлакатларнинг қисмати катта давлатлар орасида талаш, балки хомталаш бўлиш, қарамлик азобини тортишдан иборат экан. Хали унинг қошқабоғига қарайсан, хали бунинг... қани энди имкони бўлса, буюк давлатлар қаторига қўйилсанг, давлатнинг буюк бўлса...

— Маориф ишларида ўзгаришлар нечук экан? — парвосироқ сўради подшо, саломхонага қилишиб подшони тавоф қилишган, остонада туриб қолишган Файз Мухаммадхон Зикрий билан Хошим Шоиққа. — Келингиз, бу ерга ўлтирингиз.

— Подшо жаноби олийлари! — мурожаат қилди маориф вазири. — Маориф ишларида яхши ўзгаришлар бор... Бу жихатдан жаҳоний даражага чиқиш ҳаракатидамиз...

Вазир кейинги вақтларда мактаблар кўпайгани, уларда диний билимлар билан бирга, вожиб ут-таълим, яъни дунёвий билимлар олиш ҳам йўлга қўйилаётгани ҳақида, қучли интилишлар бўлаётгани тўғрисида гапирди ва барчаси учун катта қўмаклар бериб келаётган подшо жаноби олийларига миннатдорчилик билдиришни ҳам унутмади.

— Лекин меҳнатимизни кўра олмаётганлар ҳам учраб турибди...

— Бу нима деганингиз? — қошларини чимирганча амакисига тикилди Амир Омонуллохон. — Ким экан у кўра олмаётган...

Маориф вазири каловланди, кейин, мен гапни шу ергача олиб келдим, энди сен давом этдир, ёрдамлашиб юбор, дегандай шу вақтгача жим қўл қўштириб турган Хошим Шоиққа қаради. Хошим Шоиқ, тушундим, дегандай гапни олиб кетди:

— Эй подшо олам, маълумингизким, худо шохид, ўзларининг сояи давлатларида қўлимиздан келганча, у-бу қилиб, қимирлаб юрибмиз... Бекор турганимиз йўқ, ишқилиб... — донда-дона гапиршига уриниб деди Хошим Шоиқ. — Подшоҳимиз ҳимоясида турганимиз жумла мўмин хосу омга маълуму машхур... Биз қабл садоқатли фуқароларингиз юмушларидан хато ахтариб, тирноқ орасидан йўқ кири қидириб юргувчилар топилди. Ҳа, ҳа, топилди! Бир қошқ қонимдан кечасиз, подшо жаноби олийлари!...

— Кечдир, Сўйлангиз! — ижозат берди подшо тобора хайрати ошиб.

Хошим Шоиқ бўлиб ўтган воқеалар, Саид Махмудхон Тўранинг уларга тухматлар уюштириб маҳмамага бергани, маҳмама можаролари ҳақида гапирди. Бари ўша ўзини улуг санаган Тўра Соҳибнинг, Файз Мухаммадхон Зикрийнинг подшога оламга амаки бўлишлари, Хошим Шоиқнинг эса яхши кишиларидан эканлигини била туриб, хайқалмасдан кўрсатган қароматидир. Шундай йўл билан раиятнинг олдида ўзини қўрқамас ботир этиб кўрсатмоқчи, обрў орттирмоқчи бўлибди... Бас энди, бизларнинг устимиздан, ҳа, ҳа, мўтарам Файз Мухаммадхон Зикрий ила қамини устидан, "тошбўрон қилинсин", дея маҳма-

ма қарорини чиқартиришга эришиб турибди...

Китоби залолат, яъни ўзларининг айби ҳақида мумкин қадар сўз очмасликка тиришган Хошим Шоиқ диққатни асосан Саид Махмудхон Тўра томонга бура олди. Мақсад асли шу эди.

Амир Омонуллохон эшитар экан, кўз олдида қўнлар бери, бобоси Амир Абдурахмонхон замонларидан бошлаб афғон жамиятининг устунлари бўлиб келган, Худойерхон авлодларидан бўлган Тўралар қонланди. Узоқ йиллар вазири аъзам лавозимини эгаллаган, яқинда ҳазо қилган Саид Акрамхон Тўра, унинг ўғиллари Норбўтахон Тўра, Аҳмадхон, кичик ўғли генерал Абдулганихон, қуввлари Усмон Хўжа ва бутун туркистонликларнинг пири мур-

Мухаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР
РОМАН - ХРОНИКАДАН БОБЛАР

шидига айланган Саид Махмудхон Тўра... Туркистондан яна одамлар келиб турибди. Ҳа, буларнинг димоғини жуда шишиб кетибди шекилли... Мана подшони ҳам писанд этмай қўйибдилар. Бобоси Амир Абдурахмонхон билан отаси Амир Ҳабибуллохон уларни ортқача эркалатиб юбордилар-да. Бироз попуқларини пасаитириб қўйиш лозим... Бир чеккаси, қизил Россия ундан доим туркистонликларнинг танобини тортиб туришни сўрагани сўраган...

Шундай хаёлар оғушида бўлган Амир Омонуллохон Файз Мухаммадхон Зикрий билан Хошим Шоиқни тошбўрон қилиш ҳақидаги ҳукмини эшитиб ўзини тутга олмай қолди: — Нима-нима? "Тошбўрон қилинсин"? Менинг амаким билан яқин одамим тошбўрон қилинар эканми?...

— Худди шундай, подшо жаноби олийлари! Маҳмамадагилар бошқача ҳукм чиқаришлари мумкин эди, бироқ ўшал Тўра Соҳибдан хай-иқилишиб ўзга чора тополмадилар... — деди Хошим Шоиқ ёнай деб турган ўтга яна ёғ қўйиб.

— Агар мени тошбўрон қилсалар... — деди маънос Файз Мухаммадхон Зикрий. — Мен подшоимиз учун бир жонимни қурбон қилишга тайёрман, жоним садаҳа бўлсин...

— Менинг жоним ҳам садаҳа... — гап қўшди Хошим Шоиқ

— Аммо подшо амакисини ва вазир шундай қисматга дучор бўлса... Бу подшо жаноби олийлари шаънига доғ бўлиб тушмайдими?.. Ахли сарой не дейдир, раият не дейдир? Шундан азобдаман холос...

Амир Омонуллохон тахтдан тушди-да, қўлларини қўрағига гирих қилганча оҳиста у еқдан бу ёққа юра бошлади. Хаёлидан эса мана бундай фикрлар ўтарди: "...Агар маҳма-малашини ёқтирсалар, жуда соз... Тўрамага етарлича маҳмама юмушлари топиб берурмиз. Бирон баҳонани сабаб топиб Саид Махмудхон Тўрани ўзи билан ўзини овора қилиб қўймоқ керак, ўз ёғига ўзи қоврилиб юра берсин. Шунда ҳукмлар ижроси ҳам ўз-ўзидан тўхтаб қолади..." Амир Омонуллохон рўпарадаги эшикдан қўзини олмай, деди:

— Сизларга ижозат берилур. Юмушингизни давом этдирингиз... Хошим Шоиқ ҳам Файз Мухаммадхон Зикрий ҳам, иш шу ернинг ўзида хал этилади, деган ўйда эдилар, аммо ундай бўлмади. Ҳукм ижро этиладими ёки бекор қилинадими — бу аввал қандай гумон бўлса, шундайлигича қолди. Подшоидан яна нимадир сўрашга ҳеч қайсики журъат этмади.

Индамай ташқарига йўналдилар.

Амир Омонуллохон уларга қарамади ҳам. Хаёлга чўмганча бориб тахтга ўлтириши ҳамон у бор қарсақ урди.

Мулозим кирди:

— Зудлик билан садри аъзам ва қозикол-қузот жанобларини бу ёққа чорла!...

IV
НОРБЎТАХОН
ТЎРАНИНГ ОМАДИ

Норбўтахон Тўра Қўқон муқторияти замонида большевикларга хийла "иш қўрсатган" кишилардан эди. Уни ўша ернинг ўзида тинч-тиш имконини топа олмадилар. Норбўтахон Тўра жуда хушёр, ернинг тағида илон қимирласа, билалдиган зийрак одамлар сирасига қирарди. Устига устак, большевиклар бу ишга улғуришмай, Норбўтахон Тўра барини

доғда қолдириб Афғонистонга қочиб кетди. Большевиклар, душман узоқда бўлса ҳам душмандир, уни бартараф этмагунча тинч-тиш йўқ, қабилда иш тутушиб, Норбўтахон Тўра изидан Махмудхон деган ўз одамларини юбордилар. Унга Исмоил исми қотили қўшиб бердилар. Исмоил учига чиққан қаллақасар, агар пул бераман деса, ўз отасининг бошини кесиб келишдан тоймайдиган худобезорлар қилидан эди. Унга Норбўтахон боши учун ўн минг танга ваъда қилинганди. Халигача Тўранинг бошидан хабар йўқ. Бу Махмудхонни ташвишга сола бошлади.

— Жуда чўзилиб кетди-ку, Исмоил! — деди бир кун унга. — қачон бу ишни тугатамиз?.. Мендан сўрашпти, тез бўлинглар дейишпти.

— Норбўтахон

Тўра жуда бало экан... валад... — деди Исмоил кўзлари ола-қула бўлиб. — Мен умримда мана шундай қазо-қазоларни йигирмага яқинини аспласопилган жўнатганман. Лекин бунақасини учратмагандим. Ҳеч қаерда ёлғиз юрмайди. Доим

бир гирмон мошини бор, ўшанда юради. Мошини зўр... валад...

— Мошини зўр, дейсан... — унинг сўзини кесди Махмудхон. — ҳар хил нарсаларга алаҳ-сима! Бу ишни битирсанг, чўталига ўшанақасидан бир нечасини ола оласан, билсан-а?..

— Мошини зўр деялман холос... Кейин ўзим бақувват одам. Кўп пойладим, бўлмади. Уни фақат ўхшаб ётганида ўлдириш мумкин... Бошқа йўл йўқ.

Махмудхон билан Исмоил иккиси ҳам пакана бўйли одамлар, пакананинг ичи фитнага тўла бўлади, деган гапга қип-қизил мисол эдилар.

— Норбўтахон Тўра қаерда туради? Уйига қира оласанми?

— Саид Акрамхон Тўра ховлисида, Бобуршоқ боғи ёнида, валад... Баланд девор билан ўралган, дарвозаси мустаҳкам. Аммо йўл топиб қўйдим. Шу кечаси деворда белгилаб қўйган жойим бор, ўша ердан ошиб ўтаман. Норбўтахон Тўра ётадиган уйга қираман-да, валад, ётган жойида тинчиганман... Миясини қатигини чиқараман!...

— Балли! Шу гапда тур! Уятда қолмайлик ановларни олдида... Кейин нима деган одам бўламиз?..

Ўша кунги кечаси одамлар бир уйқуни урганда, Исмоил Норбўтахон Тўралар деворида яқинлашди. Қўча соқин, теварақ-атрофда кимса кўринмади. Авваллари, Саид Акрамхон Тўра вазири аъзам мансабига ишлаган пайтларда бу маҳаллани полис мухофиза этиб турарди. Энди полис ҳам кўнда келавермади...

Исмоил қондузи яшириб қўйган нарвонини олиб келди-да, девордан ошиб ўтди. Ховлига сакраб тушаётганда нобороқ ер эканми, тиззаси лўқиллаб оғриб ўтириб қолди. Хаяжони ортганидан оғриқни сезмасди. Ўтирган жойида атрофга қараркан, негадир унда қўрқув пайдо бўлди, умрида биринчи марта шундай ҳолни бошдан кечириётганини пайқайди. Шайтон васвасаси бутун борлигини қамраб олди. Лекин ховлида осудали ҳукм сувар, бирон тирки зот шарпаси сезилмасди.

У эс-қушини ўнглади-да, аста ўрнидан турди. Енгил оқсоқланганча, Норбўтахон Тўра ётган хонада кирди, уни доим хонада бир ўзи ётади, деб эшитганди. Чиндан ҳам бурчакда бир одам дўнграйиб ётарди. "Ҳа, Норбўтахон Тўра! Қўлимга тушдингми?" деди Исмоил мамнун тиш орасидан ўз-ўзига... У оёқ учидеги гира-шира қоронғуда қўрпага ўралиб ётган халиги одамга яқинлашди-да, оҳиста ёнидан пичогини суғурди... Иттифоқ, халиги одам уйғониб қолди-ю тепасида қимдир турганини қўриб, қўрқувдан жонхалатда: "Қимсан?" деб қичқирди... Шошиб қолган Исмоил унинг бошини ерга қаттиқ босди-да, томоқига пичоқ тортиб юборди...

Бас, иш битди. Энди тез Норбўтахон Тўра бошини кесиб ёнидаги халтага солиб, жуфт-такни ростлаб қолсин, валад...

Шу палла "Қимсан?" деган қичқирибди қўшни хонада ётган икки-уч одам уйғониб югуриб чиқди. Улар Норбўтахон Тўранинг меҳмонлари эдилар. Исмоил ўликни қолдириб, қон қўллари билан халигиларга ташланди, аммо уларнинг бири қўлини пахса қилиб чаққонлик билан Исмоилнинг бўйнига қаттиқ урганди, ҳушидан кетганини билмай қолди...

(Давоми келгуси сонда)

Марҳуби тинбари

«ҚОРА ОЛТИН» КИММАТЛАШМОҚДА

Шу кунларда жаҳон бозорида нефть нархининг яна кескин кўтарилаётгани кузатишмоқда. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, ўтган чоршанба кун Нью-Йорк биржасида бир баррел «қора олтин» 55,17 АҚШ доллари баҳоланган. Экспертларнинг фикрича, бу мамлакатда қишки иситиш мавсуми бошлангани билан боғлиқ. Бундай пайтларда одатда мазут танқислиги муаммоси юзага келади.

АҚШ энергетика вазирлиги маълумотларига қўра, мамлакатнинг мазут ва ёнғил захираси ўтган йилдагига нисбатан 15 фоиз камайган. Бунинг ўз сабаблари бор, албатта. Масалан, яқинда Америка қитъаси мамлакатларини анча ташвишга қўйган тўфонлар минтақада нефть қазиб чиқариш соҳасига ҳам жиддий зарар етказди. Хусусан, Мексика кўрғазидagi нефть қазиб чиқариш қурilmалари кучли довуллар оқибатида жиддий шикастланди.

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) ҳам шунга ўхшаш муаммоларга дуч келаётди. Ташкилот бош қотиби Майзар Раҳмоннинг фикрича, ОПЕК декабрь ойигача нефть қазиб чиқариш ҳажмини кўпайтира олмайдди. Фақат 2005 йилнинг биринчи ёки иккинчи чорагадигина бунга эришиш мумкин.

Соҳа мутахассислари нефть нархининг бунчалик ошиб кетишини турли сабаблар билан изоҳламақда. Уларнинг фикрича, бугунги кунда маҳсулотни манзилга етказиб бериш инфратузилмасига сармоя йўналтириш талаб даражасида эмас. Ўнги кон ва захираларни аниқлаш ва ўзлаштириш ишларига жиддий эътибор берилмапти.

Бундан ташқари, Яқин Шарқдаги беқарорлик ҳам нарх-навога салбий таъсир кўрсатмоқда. ОПЕК бош қотибининг таъкидлашича, шу йил 10 декабрь кунги Қоҳира шахрида ташкилотнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Ўшанда ОПЕКка аъзо мамлакатлар юзга келган вазиятни атрофлича муҳокама этиш ва ҳамкорликда амалга оширилмаган тегишли чораларни ишлаб чиқиш имконига эга бўлди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, келажакда нефть маҳсулотларига талаб ортиб бораверди. Айни пайтда кунлик нефть қазиб чиқариш ҳажми ўртача 82,5 миллион баррелни ташкил этаётган бўлса, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 121 миллион баррелга етиши мумкин экан.

Бошқа бир башорат. Еврокомиссиянинг иқтисодиёт ва молия масалалари бўйича коммиссари Хоаким Алмунанинг таъкидлашича, 2005 йилда бир баррел нефтининг ўртача баҳоси 45 АҚШ доллари ташкил этади.

Хуллас, «қора олтин» баҳосига доир тахмин у башоратлар билан. Жаҳон иқтисодиётининг фақат бир омил мамун этмоқда: нефть маҳсулотларига талаб ўсаётгани кўпчилик давлатларда иқтисодий ўсиш кузатилаётганидан далолатдир.

Жасур КЕНГБОВ
(ЎЗА)



Хар фарслнинг ўз зийнати бор...



Ҳакимжон Солиҳов ва Бахтиёр Содиков олган суратлар.

Урушнинг 1-гуруҳ ноғиронларидан икки кишига 15000 сўмдан, байрам муносабати билан уруш фахрийларига 15000 сўмдан, меҳнат фронти қатнашчиларига ҳамда нафақахўрларга ва университетда ишлаётган қари-яларга 10000 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Хар йили 8 май кун байрам дастурхони ёзилиб, фахрийларнинг маданий дам олишлари ташкил қилинади. Меҳмонларга санъаткорларнинг катта концертлари уюштирилади. Жумладан, бу йил ҳам Чилонзор туманидаги 22-Меҳрибонлик уйида 8 май кун катта тадбир ўтказилиб, уларга моддий ва маънавий томондан ёрдам берилди. 22-Меҳрибонлик уйига компьютерлар тақдим этилди, учта ўқув синф хоналари тўла таъмирланиб, парта, стол — стуллар билан тўлиқ жиҳозлаб берилди ҳамда ўқувчиларга спорт кийимлари совға қилинди. Университетимиз факультетларига доимий равишда уларга турли хилдаги ёрдамлар кўрсатиб бориш мақсадида бириктириб қўйилди. Жами бўлиб 22-Меҳрибонлик уйига 2,5 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, университетнинг барча гуруҳларида II жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашувлар уюштирилди.

Университет Бирлашган қасаба уюшмаси кўмитасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошланғич ташкилотининг биргаликдаги тадбирлари иш режаси мавжуд. Унда кўрсатилган тадбирлар ўз муддатида бажарилмоқда.

Сентябрь ойида «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошланғич ташкилотининг ҳамкорликда университетнинг факультетлари талабалари билан «Талабаларнинг тўғри овқатланиши, кийиниши, интизоми, талабалар уйида оздoликни сақлаш» мавзусидаги суҳбатлар ўтказилди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси бошланғич ташкилотининг аъзолари университетнинг 2-ва 3-талабалар уйларидаги санитария-гигиена ҳолатини назорат қилиш мақсадида «Талабаларда жисмоний соғломликни шакллантириш», «Талабаларда юксак муомала маданиятини шакллантириш» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиб келишмоқда.

Биринчи курс талабалари билан «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш», «Жинсий тарбия масалалари»,

«Ҳомиллага қарши воситалар», «СПИД» мавзуларида 16 соатлик дарс ўқув жадвалига киритилган ва ушбу мавзуларда учрашувлар ўтказилди.

Талабалар уйларида «Аёл қалби», «Нечун муҳаббат сўниб бораётди», «Аёл-оила маликаси» мавзуларида давра суҳбатлари, мунозара кечалари ташкил этилди. Ушбу

Университет талабаси Миҳайл Бектошев ёшлар ўртасида ўтказилган миллий кураш бўйича жаҳон биринчилигида кумуш медаль соҳиби бўлди. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультетининг 3-курс талабаси, қаратэ бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Ботир Мардонов Туркия ва Сурия мамлакатларида бўлиб ўтган халқаро тур-

стипендиясининг 20 баробарида моддий рағбатлантирилди.

Миллатнинг жисмоний ва руҳий соғломлигини юксалтириш мезони ҳисобланган жисмоний тарбия машғулоти ва спортга ёш авлод ва ўсмирларни оммавий жалб этиш тўғрисидаги университетнинг «Жисмоний тарбия ва спорт ишларини яхшилаш ва юксалтириш» концепцияси муҳокама этилди ва қабул қилинди. Ушбу концепцияни қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнида Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ёрдамини бериб келмоқда. Университетда шахмат ва шашка, дзюдо ва кураш, катта теннис, стол теннис, сузиш, атлетика ва армрестлинг, қаратэ, қўл жанги, футбол, баскетбол, шейпинг каби спорт турлари мавжуд бўлиб, машғулотларда университет талаба ва магистрлари, гимназия ва лицей ўқувчилари қатнашиб келмоқда. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар бир спорт турлари бўйича Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан университет миқёсида факультетлар турли хил мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, футбол, волейбол, баскетбол, теннис, шахмат, шашка, катта теннис, қаратэ, қўл жанги, миллий кураш бўйича ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлган жамоа ёки яқка турлибда ғолиб бўлган иштирокчилар Бирлашган қасаба уюшма кўмитасининг махсус қимматбахо совғалари, мукофотлари ҳамда фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

Шу билан бирга университет ректорати, Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси ва 22-Меҳрибонлик уйи жамоаси ҳамкорлигида Меҳрибонлик уйи талабалари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар ва иштирокчиларга университет ректорати, Бирлашган қасаба уюшма кўмитасининг қимматбахо совғалари ва Фахрий ёрликлари топирилди.

Ёшларимизнинг жисмонан бақувват, кучли, жасур ва қомил инсон бўлиб шаклланиши учун университет ректорати, Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти турли хил спорт мусобақаларини мунтазам ташкил этиб келмоқда.

Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

МЕҲР ВА МУРУВВАТ- ЮКСАК ҚАДРИЯТ

Хотира ҳам, қадрлаш ҳам инсон ақлу заковатининг улуг неъматидир, ҳеч қачон эскирмайдиган, абадий ва ардоқли одаммийлик мезонларидан бири саналади. Шу боисдан ҳам Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ана шу умумхалқ байрами хар йили кенг нишонланиб келинмоқда. Бу борада университет Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси Хотира ва Қадрлаш кунини кенг ва тантанали нишонлаш юзасидан ўз тадбирларини тузиб махсус режа асосида бир талай ишларни амалга ошириб келмоқда.

тадбирларнинг барчаси университет «Маънавият ва маърифат» бўлими билан ҳамкорликда амалга оширилди. Жумладан, 23-28 май кунлари «Гёвандликка қарши кураш», «Руҳиятни соғломлаштириш усуллари» мавзуларида катта тадбир бўлиб ўтди.

Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси университетда спортни ривожлантириш борасида бир қанча амалий ишларни амалга ошириб, у 2000-2004 ўқув йилларига мўлжалланган режа асосида олиб боришмоқда. Бунинг исботи — Бирлашган қасаба уюшма кўмитасининг университет билан ҳамкорлигида 2 та футбол майдони, 1 та волейбол майдони, 1 та баскетбол, 1 та теннис корти, сузиш ҳавзаси қурилди, 2 та спорт зали тўла таъмирланди.

Университетимиз талабаларида 21 нафари Бухорода ўтказилган «Универсиада-2002»да фаол қатнашиб, кураш, дзюдо, сузиш, баскетбол ва спортнинг бошқа турлари бўйича жами 18 та медалга сазовор бўлишди. Бу эса соғлом авлоднинг тарбиялашдаги ўзига хос ютуқларимиз сирасига кириди. Ғолибликни қўлга киритган талабаларимизга қимматбахо совғалар топирилди ҳамда уларнинг хар бири олийк стипендиянинг 3 баробаридан 10 баробаригача миқдорда моддий рағбатлантирилди. Хитойда бўлиб ўтган спорт мусобақаларида университетимиз талабалри қатнашиб 1 та олтин, 1 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритдилар.

нирларда ғолиб чиқди. Наманганда ўтказилган Республика биринчилигида 2-урини эгаллади. Марина Абрашина ва Баҳодир Қурбоновлар Сидней олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланмага сазовор бўлишди.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит факультетининг талабаси Н.Глазко бодибилдинг спорт тури бўйича Осиё чемпиони ва бир неча халқаро турнирлар ғолиби. 4-курс ПП-33 гуруҳи талабаси Элдор Ёдгоров халқаро тоифадаги хакам, қара бөлбoг соҳиби.

2003 йил 4-6 апрель кунлари Термиз шахрида Ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган Халқаро кураш мусобақаларида университетимиз талабаларидан, Халқаро бизнес факультети талабаси Абдулла Тангриев Президент совғаси соҳиби бўлди ва «Нексия» автoмоби́ли билан тақдирланди. Абдулла дзюдо бўйича 2003 йил сентябрда Жанубий Кореяда ўтказилган жаҳон универсиадада олтин медалга, Япониянинг Осака шахрида ўтказилган жаҳон чемпионатида эса бронза медалига эга бўлди. Талабаниз Дилшод Мансуров АҚШнинг Нью-Йорк шахрида Эркин кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Жанубий Кореядаги универсиадада медалга ва меҳнат факультети талабаси Окгул Оманмуродова катта теннис бўйича бронза медалини қўлга киритди. Бу спортчилар университет томонидан талабалар ўртача

Спорт

МЕДАЛЛАР
ШОДАСИ
БИЛАН

АҚШнинг Аризона штатидаги Форт-Хуачука шаҳрида бир ҳафта давомида ҳарбий хизматчилар ўртасида бокс бўйича 48-CISM жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли мусобақаларда АҚШ, Германия, Ирландия, Голландия, Руминия, Литва, Туркия, Украина, Жанубий Африка Республикаси каби жаҳоннинг йигирма бир мамлакатни вакиллари, шу жумладан юртимиз чарм қўлқоп усталари ўн битта вазн тоифасида ўз маҳоратларини кўрсатиб, ғалаба учун кураш олиб боришди. Турнирда 26 нафар Олимпия чемпионларининг иштироки ҳам жаҳон чемпионатида нақадар кучли иштирокчилар таркиби жамланганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, мусобақада ҳамюртимиз 11 кишидан иборат катта таркибда иштирок этдилар.

Кизикarli бахслар давомида боксчиларимиз ўзларининг юқори техникалари ва ғалабага бўлган иродаларини намойиш этишди. Натижада Беҳзод Хидиров, Элшод Расулов, Камрон Қосимов, Тўлашбой Дониёров, Дилшод Маҳмудов, Шерзод Абдурахмоновлар финалга йўлланма олишди. Шунинг қувонч билан таъкидлаш керакки, қолган мамлакатлар орасида фақат Козогистан ва Италия чарм қўлқоп усталари орасидан уч нафардан киши финалда қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритганиги боксчиларимиз кучидан далолат беради.

Яқуний натижаларга кўра терма жамоалар аъзолари ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида учтадан олтин, кумуш ва бронза медалларини кўлга киритган ҳолда турнирда энг яхши кўрсаткичларга эга бўлишди.

ЙЎЛКАДА —
ВЕЛОПОЙГА-
ЧИЛАР

Велосипед пойгалари бўйича Ўзбекистон Кубоги бахслари ҳамшаҳарларимиз учун жуда омадли кечмоқда. Хусусан, бунини кунча ўтказилган гуруҳ пойгалари яна бир карра исботлади.

Эркаклар ўртасида 15 та оралик финишлари билан 90 доира пойгасида Арсен Григорян, Денис Прокопенко ва Рустам Нуритдинов каби пойтахтлик спортчилар дастлабки учта ўринларни эгаллашган бўлса, 5 та назорат босқичлари ва 15 доирадан иборат аёллар бахсида Ольга Кривоконова, Ляйсан Хозиева ва Алла Логвиненколарга тенг келадиганлар топилмади.

Яна икки тур пойгалари ўтказилган, Кубок мусобақалари нихоясига етди.

(Ўз мухбиримиз)

ЁШ РАССОМЛАР
МУВАФФАҚИЯТИ

Республика рассомлик коллежида очилган ёш рассомлар кўргазмаси «Нима учун дунёда мен бахтлиман» деб номланади. Ёшлар ўртасида наркоманияга қарши кураш, соғлом турмуш тарзига қачирув унда намойиш этилаётган экспонатларнинг бош мавзусини ташкил қилади.

Ушбу кўргазма биринчи марта бундан ўн йил муқаддам Словакия Республикасида ташкил қилинган эди. Вақт ўтиши билан у халқаро кўламага чиқди ва БМТ шафелигида ўтказила бошланди.

2002 йилда Ўзбекистонлик ёш рассомлар ушбу кўргазмада биринчи марта иштирок этишди ва ҳайъат аъзоларининг қарори билан республика рассомлик коллежи битирувчиси Комила Нигматуллина махсус мукофот билан тақдирланди. 2003 йил Шахрисабз тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиси Сарвар Жонқобилов ҳам кўргазмада муваффақиятли қатнашди.

Бу йил Наманган тасвирий санъат лицей-интернати тар-

бияланувчиси Беҳзод Зокиров фахрий мукофотларни кўлга киритди, тошкентлик ёш рассом Дилфуза Обиджоннова эса эсдалик совғаси билан рағбатлантирилди.

Анъаналарга кўра ёш рассомлар кўргазмаси Братиславадан сўнг турли мамлакатлар бўйлаб намойиш этилади. Ўзбекистон ушбу тадбирнинг фаол иштирокчиси сифатида биринчи раунд каторида кўргазмасини қабул қилиш ҳуқуқини кўлга киритди. Мухлислар ёш мўйқалам соҳибларининг ижод намуналарини билан Тошкентдан сўнг Нукус, Урганч, Фарғона ва Гулистон шаҳарларида ҳам танишиш имкониятига эга бўладилар.

«Жаҳон» АА

ЎТГАН КУНИ

Зарафшон шаҳрида ўтказилган «Кизилқум» — «Пахтакор» жамоалари учрашуви билан мамлакат XIII миллий чемпионатининг 23-тур бахслари нихоясига етди.

Футбол

САФАРДАГИ
ҒАЛАБА

Жорий йилги мавсумда ҳам уюшган ҳолда сермазмун ўйин намойиш этаётган шаҳримизнинг бош жамоаси «Пахтакор» ушбу турда яна ўз мухлисларига йирик ҳисобдаги аjoyиб ғалабани туҳфа этди.

Шунинг мамнуният билан таъкидлаш жоизки, пахтакорчилар майдонда ғалаба қозониш учун астойдил кураш олиб боришди. Тўпни бир-бирига аниқ узатиш, тўп билан эркин ҳаракат қилиш, рақиб дарвозаси томон шиддатли ҳужумларни уюштириш бобида рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган тошкентлик футболчилар меҳнати бесамар кетмади. Кетма-кет уюштирил-

ган хавфли ҳужумлар, чиройли комбинациялар оқибатида 90 дақиқа давомида мезбонлар дарвозасига уч марта жавобсиз тўп йўлланди. Мухлисларга қувончли дақиқаларни ҳаёда этган голларни «Кизилқум» дарвозасига Зайниддин Тожиев ва Сервер Жепаров (2 та) йўллашга муваффақ бўлишди. Мухим уч очкони кўлга киритган «Пахтакор» навбатдаги турда ўз майдонига «Бухоро» жамоасини қабул қилади.

Мамлакат XIII миллий чемпионатининг навбатдаги 24-тур беллашувлари 5 ноябрда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида таваллуд тогган Сайфиддин Тошкент шаҳрига келиб, кейинги пайтлардаги шахар кўйфасидаги ўзгаришларни «Салом, такси» кўшма корхонасининг «Хундай соната» русумли автомобилда сайр қилиб, мириқиб томоша қилади. Сайфиддин маълум муддат такси ҳайдовчиси Миржалил билан ақин суҳбатда бўлиб унинг ишончига қиради. Натижада такси ҳайдовчиси оддий хушёрликни унутиб Туроб Тула кўчасидаги сартарошхонага машинаси қалитини ўт олдириб жойида қолдириб, соч-соқол олдиришга кириб кетади.

Бундай ҳолат юзага келишини ўйлаб қўрмаган Сайфиддин, бироз иккиланиб, сўнгра машинага эгалик қилиб энди нотаниш шахар кўчалари бўйлаб сайрни ўзи хоҳлаганича янги ўғирланган автомобилда давом эттира бошлади.

Такси ҳайдовчиси Миржалил эса соч-соқолни олдириб чиққанидан сўнг, автоулоғи жойида йўқлигидан бироз ўзидан кетиб қолади. Сўнгра вақтни ўтказмай зудлик билан «02» га кўнғирок қилиб автомашинаси ўғирлаб кетилганиниги маълум қилади.

Тошкент шахар Ички ишлар бош бокс-армаси навбатчилик қисмига бу хабар келиб тушган зудлик билан шахар микёсида «Ушлаш» махсус тадбири кучга киритилади.

Янги автомобилда шамол тезлигида сайр қилаётган Сайфиддин бир неча сония ўтмай, унинг бошқарувидаги автоуловини Йўл патруль-хизмати ходимлари тўхта-

тишни бошлаганларидан хайрон бўлади. Шундай бўлсада, у икки марта Йўл патруль хизмати ходимларининг тўхташ ҳақидаги ишорасига бўйсунмай, катта тезликда ҳаракатланишни давом эттиради. Шундан сўнг Йўл патруль хизмати бригадаси 5-отряд ходимлари, милиция старшинаси Зайниддин Канаев, милиция сержантлари Шодмон Сафаров, Махмуд Абдуғафоровлар томо-

ри тўхташ ишорасини қилганларидан сўнг ҳам икки марта оқсоишталик посбонлари ҳаётига хавф солиб ҳаракатланишни давом эттиришга саволига эса у бошини эгиб, жавоб беришдан бош тортиди.

Ушбу ҳолатга яқун қилиб шунини айтиш мумкинки, агар Миржалил ўз бошқарувида бўлган «Хундай-Соната» русумли, давлат рақами 10 АУ 229 автоуловини тўхташ

жойига қўйиб, оддий эҳтиётсизлик қоралари ни кўриб машинасини кўлфлаб қўйганда балки юқоридаги ҳолат юзага келмаган бўлиши мумкин эди. Ҳозирги кунда воқеа жойида дастлабки суриштирув ҳаракатларини олиб борган Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси терговчиси, милиция лейтенанти Отамурод Аҳмедов кўзонлик Сайфиддинга нисбатан омадсиз музқаймоқ сайли учун Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 267-моддаси, яъни транспорт воситасини олиб қочиш ҳолатини юзага келтирилганиги учун жиноий иш қўзғатилганлигини таъкидлаб ўтди.

Эндиликда саробга ўхшаб қўриган хаёл қурбони бўлган Сайфиддин ҳаётдан эгиз лаъзат оладиган 18 ёшида, дўст-биродарлари ёнида ҳушқачқалик қилмай, маълум муддат озодликдан маҳкум бўлишига ўзи сабабчи бўлиб қолди.

Дилбар ЁДГОРОВА,
Тошкент шахар Ички ишлар бош бокс-армаси
Матбуот маркази
жамоатчи мухбири.

Жиноят жазосиз қолмайди

ОМАДСИЗ МУЗҚАЙМОҚ САЙЛИ

Инсон онги доимо ҳаракатда бўлиб, янги фикрлар, янги гоялар чарх уради. Айрим пайтларда ўйланган гоя келгусида тавшиш келтириши аниқ бўлса-да, нечундир нафс устун келиб киши жиноят кўчасига кириб қолади.

нидан Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида тўхтатилиб ушланади. Автомашинада ҳаракатланиш илоҳи қолмаганидан сўнг, Сайфиддин оёқларига ишониб йўлакдаги ҳаракатланмаётган фуқароларни туртиб-итариб воқеа жойидан шамол тезлигида қоча бошлади. Лекин қарама-қарши томондан ҳам ички ишлар идоралари ходимлари ҳаракатланиб, рақия орқали унинг қочаётганлиги ҳақидаги хабарни олганларидан сўнг, автоулов ўғирсини навбатдаги йўлакда ушлаб, қўлга кишан соладилар.

Воқеа жойида Сайфиддинга «Нима сабабдан бундай ҳуқуқбузарликни содир этдингиз» деб савол берилганида, «Музқаймоқ егим келди, шахарни билмаслигим панд берди», деб жавоб берди. «Ундай бўлса, нега Йўл патруль хизмати ходимла-

шимга ҳалал беришди, деб бегоналарга адрес бермаслигини илтимос қилган.

Шунда дастакдан пичирлаган товуш эшитилди:

— Тўғри, ҳеч қимга айтманг. Лекин кўнғирок қилаётган бу, мен — Эйнштейнман. Уйга қайтаётим адашиб қолдим.

Кунлардан бир кун ёш Чарли Чаплин магазин витринасини беҳосдан синдириб қўйибди. Бундан кўриб қоча бошлаган Чаплинни магазин хўжайини қувиб етибди:

— Қаёққа қочаяпсан, синган витринанинг пулини ким тўлайди?

Чаплин жавоб берибди:

— Албатта мен. Кўрмайспизми, уйдан пул олиб келиш учун чопиб кетаяман-ку.

Бир ношир Вольтерга шундай мактуб жўнатибди:

«Қўлимда сизни таҳқирловчи анчагина латифалар жамланган, агар менга минг луйдор юборсангиз, уларни эълон қилишдан воз кечаман». Вольтер ҳам ўз навбатида қуйидагича жавоб хати ёзибди: «Ўзимда ҳам ўшанақа латифалардан топилади, агар менга элик луйдоргина жўната олсангиз, мен уларни сизга жон-жон деб юборган бўлардим».

Қаёққа

Альберт Эйнштейн Европадан Американинг Принстон шаҳрига қўчиб борганди. Бир кун у ишга жойлашган институт ректорининг қабулхонасида телефон жиринглаб қолди. Котиба аёл телефон дастагини олди.

— Ректор билан гаплашмоқчи эдим, — деган овоз эшитилди дастакдан.

— У киши ҳозир йўқлар, — жавоб берди котиба.

— Ундай бўлса, Эйнштейн қаерда яшашини айтиб беролмасизми?

— Афсуски йўқ, Профессор Эйнштейн ишла-

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳаттар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъриф, объект устулда бошқалар.
2812 нусxada босилди. Қўлга бериши А-3

Газета Тошкент шахар Матбуот ва ахборот бокс-армасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашир кўрсаткичи — 563

Нашир етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.



Муассис:
Тошкент шахар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32